# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir.

Высшее благо медицины – здоровье.



Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqa boshlagan. E-mail: uzss @ inbox.ru ❖ № 47 (459) 2005-yil 29 noyabr-5 dekabr ❖ Seshanba kunlari chiqadi. ❖ Sotuvda erkin narxda.




*Халқаро анжуман*

## МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИДАГИ МУАММО

***Шу йилнинг 22-24 ноябрь кунлари пойтахтимизнинг «Дедеман» меҳмонхонасида Марказий Осиё ва Монголия ҳудудида тузни сифатли йодлашга бағишланган Халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни ўтказишдан асосий мақсад, республика аҳолисининг саломатлигини сақлаш, унинг келажакда яхши имкониятларга эга бўлиши учун йодланган ош тузи билан таъминлаш муаммоларини кўриб чиқишдир. Мазкур анжуман Осиё тараққиёт банки ва ЮНИСЕФ (Халқаро болалар фонди), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳомийлигида амалга оширилди.***

Конференцияни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. Ниёзматов кириш сўзи билан очиб, аҳоли ўртасида тузни сифатли йодлаш масалаларини янада жадаллаштириш, халқ саломатлигини яхшилаш борасида керакли чора-тадбирларни мутахассислар кўмагида амалга ошириш, туз ишлаб чиқиш Ассоциациялари фаолиятига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги хусусида тўхталиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққанлар асосан тузни сифатли йодлаш билан боғлиқ масалаларга жиддий қаралиши, бунинг оқибатида эса турли касалликларнинг кўпайиб кетиш олдини олиш нақадар муҳим эканлигини алоҳида қайд этдилар. Шунингдек, анжуманда Марка-

**(Давоми 2-бетда).**

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING BUYRUG'I

**2005 yil 23 noyabr № 572 Toshkent shahri**

### 2006 йил докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Олий ўқув юртлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий ва илмий марказларда фанни долзарб йўналишлари бўйича олий малакали илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази томонидан тасдиқланган 2006 йилда аспирантура ва докторантура орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш Давлат буюртмасига асосан

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Олий ўқув юртлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий ва илмий марказлар бўйича 2006 йил аспирантура ва докторантурага қабул бўйича режани 1-иловага мувофиқ.

БУЮРАМАН:

1. Олий ўқув юртлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректоратларига, Илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий ва илмий марказлар директорларига:

1.1. Докторантура ва аспирантура қабули 2006 йил учун тасдиқланган режа (1-илова) асосида таъминлансин.

1.2. Докторантура ва аспирантурага қабул қилиш ҳамда кадрларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат Комитетининг 1996 йил 2 майдаги 11-сонли "Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш тўғрисида"ги қарори ва Низомига амал қилинсин.

1.3. Давлат аккредитациясидан ўтган муассасаларда ўрнатилган тартибда мутахассисликлар бўйича очилган докторантура ва аспирантурага қабул қилиш таъминлансин.

1.4. Кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш. Э. Атаханов) докторантура, аспирантура қабули бўйича буйруқни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" газетасида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг web сайтида эълонни ташкил этсин.

1.5. Танловда иштирок этувчилар ҳужжатлари жорий йилнинг 23 ноябридан 9 декабригача қабул қилинсин. Имтиҳонлар жорий йилнинг 10 декабридан 24 декабригача ўтказилсин.

1.6. Клиник йўналишдаги мутахассисликлар бўйича ушбу йўналишдаги магистратура ва клиник ординатурани тугатган мутахассисларни ҳамда 1998 йилгача институтни тугатган, мутахассислиги бўйича интернатура ўтган ва ушбу мутахассислиги бўйича интернатурадан кейин камида икки йил иш стажига эга бўлган мутахассис врачлар қабул қилинсин.

1.7. Юқорида келтирилган 1.6. бандда кўрсатилган қоидага қўшимча равишда:

эпидемиология мутахассислигига юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари

**(Давоми 2-бетда).**

## ҚУТЛОВ

(«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасининг ўн йиллигига бағишлайман)

**Мақсадим биргина эмасдир қутлаш,**
**Она диёримда соғлиқни сақлаш.**
**Ўн йил саҳифангдан зиё, нур олиб,**
**Оддий муштарийлик бурчимни оқлаш.**

**Қисқа фурсат ичра юз минглаб халқнинг,**
**Эътиборин тортиб, ўзга қаратдинг.**
**Табобат бобида не янгилик бор,**
**Ўзинг жарчи бўлиб элга таратдинг.**

**Тўғри, осон кечмади бу кунга етмоқ,**
**Заҳматларни енгиб, довондан ўтмоқ,**
**Аммо ҳар мухлисинг, кўнглида бу кун,**
**Сени қутламоққа, дилнома битмоқ!**

**Аҳил жамоангда кўп яхшилар бор,**
**Ибодатхонимдек хассос қалб дилдор,**
**Намоз Толиблару Асен Нуратдин,**
**Бебаҳо хизматин этмасмиз инкор.**

**Ўзбекнинг бағридек бағринг сарҳадсиз,**
**Ҳар дилнинг изҳори топади макон,**
**Ижодда омадлар ёр бўлиб ҳадсиз,**
**Шаънинг кўтармоққа топавер имкон!**

Гулбаҳор ҒИЁСОВА,
Қашқадарё вилояти, Косон туман
Соғлиқни сақлаш бўлими бош ҳамшираси.

***Хочу выразить огромную признательность всем работникам 1-ой инфекционной больницы г. Ташкента.***

*Моя мама, Махсума Пирматовна Сабирова, поступила в эту больницу с тяжелой формой гепатита. В первые дни*

## УВАЖАЕМАЯ РЕДАКЦИЯ!

*даже находилась в реанимации. Но специалисты больницы приложили все силы, чтобы восстановить здоровье моей мамы.*

*Огромная благодарность - главному врачу Б. Кадырову, заведующим отделением ОРИТ М. Махмудову, лечащим врачам С.Галилулиной, А. Абдукадыровой, Г. Аллаакбаровой, Н. Камилжановой и всему персоналу отделения интенцивной терапии. Огромное спасибо!*

***Ш. САБИРОВА.***


## ОБУНА–2006

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» сизнинг газетангиз – муштарийлар эса бизнинг таянчимиз!**



**Азиз шифокорлар, ҳамширалар, зиёлилар ва барча муштарийлар эътиборига!**

**Тиббиётдаги янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2006 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни унутманг!**

**Нашр индексимиз: 128.**

**REKLAMA VA E'LONLAR: TEL:. 133-13-22, 133-57-73.**

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG`LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING BUYRUG`I

(Давоми. Боши 1-бетда).

мутахассисликларидан магистратура ёки клиник ординатурани тугатганлар аспирантурага қабул қилинишига;

Биокимё мутахассислигидан магистратура очилмаганлигини эътиборга олиб, врач лаборант мутахассислиги бўйича камида 2 йил иш стажига эга бўлган врачлар аспирантурага қабул қилинишига;

Гистология, цитология ва эмбриология мутахассислигидан морфология мутахассислиги бўйича магистратурани тугатганлар аспирантурага қабул қилинишига рухсат берилсин.

1.8. Фармацевтика йўналишидан мутахассис дипломи ва мутахассислиги бўйича камида 2 йил иш стажига эга бўлган мутахассислар қабул қилинсин.

1.9. Аспирантурага 2004 ва 2005 йилларда мақсадли клиник ординатурани тугатган клиник ординаторлар ҳужжатлари танловда иштирок этиш учун қабул қилинмасин.

2. Докторантурага ва аспирантурага қабул қилиш режасини бажарилиш ҳисоботи илова қилинаётган шакллар бўйича 2005 йил 27 декабргача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширилсин.

Ушбу буйруқнинг бажарилиш назоратини Кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Э. Атахановга юклайман.

**Вазир Ф. Г. НАЗИРОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 23 ноябрдаги 572-сонли буйруғига 1-илова*

**2006 йилда Олий ўқув юртлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий ва илмий марказларда аспирантура ва докторантурага қабул қилиш режаси**

| Мутахассисликлар шифри ва номи | Аспирантура | Докторантура |
|---|---|---|
| 1. Тошкент тиббиёт академияси | 23 | 3 |
| 03.00.04 биокимё | 1 | - |
| 03.00.07 микробиология | 1 | - |
| 14.00.04 қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари | 1 | - |
| 14.00.05 ички касалликлар | 2 | - |
| 14.00.06 кардиология | 2 | - |
| 14.00.07 гигиена | 1 | 2 |
| 14.00.08 кўз касалликлари | 1 | - |
| 14.00.10 юқумли касалликлар | 2 | - |
| 14.00.11 дерматология ва венерология | 2 | - |
| 14.00.14 онкология | 2 | - |
| 14.00.18 психиатрия | 1 | - |
| 14.00.21 стоматология | 1 | 1 |
| 14.00.22 травматология ва ортопедия | 2 | - |
| 14.00.26 фтизиатрия | 1 | - |
| 14.00.29 гематология ва қон қуйиш | 2 | - |
| 14.00.33 соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва ижтимоий гигиена | 1 | - |
| 2. Тошкент Педиатрия тиббиёт институти | 7 | 3 |
| 14.00.04 қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари | 1 | - |
| 14.00.09 педиатрия | 1 | 1 |
| 14.00.10 юқумли касалликлар | 1 | - |
| 14.00.11 тери ва таносил касалликлари | 1 | 1 |
| 14.00.22 травматология ва ортопедия | 1 | - |
| 14.00.33 ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш | 1 | - |
| 14.00.35 болалар жарроҳлиги | - | 1 |
| 14.00.37 анестезиология ва реаниматология | 1 | - |
| 3. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | 4 | - |
| 14.00.05 ички касалликлар | 1 | - |
| 14.00.08 кўз касалликлари | 1 | - |
| 14.00.18 психиатрия | 1 | - |
| 14.00.43 пульмонология | 1 | - |
| 4. Тошкент Фармацевтика институти | 6 | 1 |
| 15.00.01 дори технологияси ва фарм. ишларини ташкил этиш | 3 | - |
| 15.00.02 фарм. кимё ва фармокогнозия | 3 | 1 |
| 5. Самарқанд Давлат тиббиёт институти | 5 | - |
| 14.00.04 қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари | 1 | - |
| 14.00.05 ички касалликлар | 1 | - |
| 14.00.09 педиатрия | 1 | - |
| 14.00.23 гистология | 1 | - |
| 14.00.35 болалар жарроҳлиги | 1 | - |
| 6. Андижон Давлат тиббиёт институти | 2 | 1 |
| 14.00.05 ички касалликлар | 1 | - |
| 14.00.06 кардиология | 1 | - |
| 14.00.22 травматология ва ортопедия | - | 1 |
| Жумладан ИТИлар бўйича | 20 | 2 |
| 7. Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази | | |
| 14.00.06 кардиология | 1 | - |
| 8. Педиатрия ИТИ | | |
| 14.00.09 педиатрия | 1 | 1 |
| 9. Травматология ва ортопедия ИТИ | | |
| 14.00.22 травматология ва ортопедия | 1 | - |
| 10. Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ | 2 | - |
| 14.00.10 юқумли касалликлар | 1 | - |
| 14.00.30 эпидемиология | 1 | - |
| 11. Тиббий реабилитация ва физиотерапия ИТИ | | |
| 14.00.34 курортология ва физиотерапия | 1 | - |
| 12. Академик В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази | 2 | - |
| 14.00.27 жарроҳлик | 1 | - |
| 14.00.44 юрак қон-томир жарроҳлиги | 1 | - |
| 13. Фтизиатрия ва пульмонология ИТИ | 2 | - |
| 14.00.26 фтизиатрия | 1 | - |
| 14.00.43 пульмонология | 1 | - |
| 14. Акушерлик ва гинекология ИТИ | | |
| 14.00.01 акушерлик ва гинекология | 1 | 1 |
| 15. Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ | | |
| 14.00.07 гигиена | 1 | - |
| 16. Гематология ва қон қуйиш ИТИ | | |
| 14.00.29 гематология ва қон қуйиш | 1 | - |
| 17. Дерматология ва венерология ИТИ | | |
| 14.00.11 тери ва таносил касалликлари | 1 | - |
| 18. Эндокринология ИТИ | | |
| 14.00.03 эндокринология | 1+1*-2 | - |
| 19. Вирусология ИТИ | | |
| 14.00.10 юқумли касалликлар | 1 | - |
| 20. Республика онкология илмий маркази | 2 | - |
| 14.00.14 онкология | 1 | - |
| 14.00.19 нур ташҳиси ва нур билан даволаш | 1 | - |
| 21. Қорақалпоқ тиббий тажриба ва клиник ИТИ | | |
| 03.00.07 микробиология | 1 | - |

*Изоҳ: * Тошкент тиббиёт академияси учун мақсадли ўрин*

**Кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Э. АТАХАНОВ.**

*Урологлар семинари*

## ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР АСОСИДА

***Шу йилнинг 16 ноябрь куни ТошВМОИнинг урология ва нефрология кафедраси, шаҳар урология маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси томонидан пойтахтимиздаги муҳташам «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг Биллур залида урологлар йиғилишиб, «СЙИ (сийдик йўли инфекцияси) нинг долзарб масалалари» мавзуидаги семинарни ўтказдилар.***

Словения КРКА фармацевтика компаниясининг кенг қўллаб-қувватлаши остида ўтказилган мазкур анжуманда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган уролог мутахассислар ва меҳмонлар иштирок этишди.

Семинарни Тошкент врачлар малака ошириш институтининг урология ва нефрология кафедраси мудири, профессор А. Ғайбуллаев кириш сўзи билан очар экан, «Сийдик йўли инфекциясининг долзарб масалалари» хусусида алоҳида тўхталиб, бугунги кунда юртимиз фуқаролари орасида учраётган мазкур касаллик, унинг тавсифи, асоратлари ва даволаш усуллари хусусида гапириб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан тиббиёт фанлари доктори Ш. Мухторов «Циститларни ташҳислаш ва даволаш» мавзуида маъруза қилди. Профессор А. Ғайбуллаев, ТошВМОИ урология ва нефрология кафедраси ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди С. Қориевлар шу куни «Бактериал простатитни ташҳислаш ва даволашнинг замонавий нуқтаи назарлари»га доир ишлари билан йиғилганларни таништиришди.

Маърузалар тугагач, кўриб чиқилган ишлар юзасидан муҳокамалар бошланди. Семинар якунида йиғилганларга сертификатлар топширилди.

**Миржалол МИРАЛИЕВ.**

## МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИДАГИ МУАММО

зий Осиё ва Монголия давлатларида туз ишлаб чиқарувчилар йод танқислиги туфайли келиб чиқадиган муаммолар, хусусан оналар ва болалар орасидаги камқонликни бартараф этиш, бўқоқ касалликларига чалиниб қолмаслик чораларини назорат қилиш ва шу ҳудудларда сифатли истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Хабарингиз бор, Ўрта Осиё туз ишлаб чиқариш Ассоциацияларининг мазкур мавзу билан боғлиқ анжумани илк бор Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган эди. Навбатдаги иккинчи анжуман эса Ўзбекистон диёрида кенг миқёсда нафақат Ўрта Осиё, балки Россия, Украина, Чили Республикаси, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлар ҳамкорлигида ўтказилди.

– Тўғри овқатланиш оналар ва болалар соғлиғи учун жуда муҳим, – дейди Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги раҳбари Шон Салливан. – Ўйлашимча, бу йиғилиш барча муаммоларимизнинг ечим топишида катта роль ўйнайди. Бу биргина давлатнинг олдида турган муаммо эмас, бу жараённи кенг қамровда, ўзаро ҳамфикрлилик асосида бартараф этсак назаримда ижобий натижаларга осонроқ эришган бўламиз. Барчамизнинг мақсадимиз бир – инсон саломатлиги учун қайғуриш, унинг соғлом ва фаровон яшашига имконият яратиш, туғилажак фарзандларимизни ҳар қандай дарддан йироқ, соғлом қилиб тарбиялашга эришишдир.

Тадбир сўнггида тузни сифатли йодлаш бўйича Ўзбекистонда қонун қабул қилиниши кераклиги, шунингдек, Қозоғистон, Монголия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни назорат қилиш тартиби, солиқ ва божхона фаолияти ва йодланган тузнинг ҳудудга кириб келиши билан боғлиқ муаммолар хусусида ўзаро фикрлашдилар. Ўйлаймизки, ўтказилган тадбир қисқа вақт ичида ўзининг муайян таъсир кучини кўрсата олади ва бу аҳоли саломатлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Намоз ТОЛИПОВ.**

Жарроҳ қўлини С-4 эритмаси билан зарарсизлантириш бир дақиқа давомида 2,4 % ли С-4 эритмаси солинган эмал тоғорага қўлларни ботириб туриш билан амалга оширилади. Жарроҳлик аралашуви бошлангандан сўнг 60 дақиқа ўтгач, ушбу модда билан жарроҳлик қўлқоплари ҳам зарарсизлантирилади.

С-4 эритмаси бевосита жарроҳлик аралашуви куни тайёрланади ва фақат шу куни ишлатилади ҳамда шиша идишларда сақланади. Хлоргексидин биглюконатнинг 20 %ли сувли эритмаси 500 мл шиша идишларда чиқарилади. Қўлларни зарарсизлантириш учун 0,5 % ли спиртли эритмаси ишлатилади. Бунинг учун эса у 1:40 нисбатда 70 % спиртда эритилади. Қўллар 0,5 %ли эритмага ботирилган пилик ёрдамида 5 дақиқа давомида зарарсизлантирилади. 1 %ли дегмин ёки дегмицин билан 5 дақиқа давомида 2 та пилик ёрдамида қўллар навбат билан зарарсизлантирилади. Кейинчалик эса битта пилик ишлатилади.

Йодопирин – йодоформ ўз таркибида 6-8 % фаол йодни сақлайди. Қўллар эмал тоғорага солинган 0,1 % ли эритмасида (фаол йодга нисбатан) 4 дақиқа давомида ювилади (салфетка билан).

Қўлларни кўрсатилган зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида ювиб бўлгач, стерил сочиқлар билан артилади ва стерил қўлқоплар кийилади.

***Туғруқдан кейинги палаталар***

Она ва бола учун битта ўриннинг майдони санитар меъёрларига кўра 12 кв.м.дан кам бўлмаслиги керак, палатага албатта сув ўтказилган, агар сув киритишнинг иложи бўлмаса, қўл ювиш учун сўрғичли мослама ўрнатилади. Чақалоқ учун клеёнка тўшакли ўраш столи бўлиши керак. Стол ҳар кунги жорий тозалаш вақтида зарарсизлантирувчи воситалар билан тозаланади (илова 3.3 зарурат туғилганда).

Палатада бир кеча-кундузда уч марта жорий, ҳафтада бир марта эса умумий ялпи тозалаш ўтказилади. Ишлатилган таглик ва болалар кийимлари махсус ажратилган алоҳида идишларга ёки шахсий буюмлар учун ажратилган махсус целлофан пакетларга тўпланади.

Ҳар бир палатага она-бола биргаликда жойлаштирилганда уларга иккитадан ортиқ бўлмаган оналар ва болалар кароватлари қўйилади; битта жой учун умумий майдон 12 кв.м. дан кам бўлмаслиги керак.

Тиббий ҳамшира зарур бўлганда онани бола учун керакли бўлган кийим-кечаклар билан таъминлайди (таглик, иштонча ва кўйлакчалар – бир кеча-кундуз учун 25 дона).

Ҳар бир палатада фойдаланилган буюмлар учун қопқоқли баклар, материалли ёки клеёнкали халтачалар тўшалган педалли челаклар бўлиши зарур. Болалар ҳамшираси ёки санитарка кунда уч марта ишлатилган буюмларни қопчалари билан йиғиштириб, уларни йиғиш ва ажратиш хонасига олиб боради. Болалар ҳамшираси тагликларни ўз вақтида алмаштирилиши ва ҳар бир хонанинг тозаланишини қатъий назорат қилади. Хусусий таглик ва кўйлакчалардан фойдаланишга маслаҳат ва рухсат берилади.

**Янги туғилган чақалоқлар ва оналар инфекциясининг олдини олиш**

Чақалоқнинг кўзлари ҳар куни янги тайёрланган қайнаган сув билан тозаланади. Уйдан олиб келинган тоза дазмолланган кийимлардан фойдаланиш мумкин, акс ҳолда шифохона буюмларидан фойдаланилади.

Она ёки чақалоққа йирингли яллиғланиш ташҳиси қўйилганда уларга шошилинч маълумотнома (58-У) тўлғазилиб, 24 соат ичида ҳудудий Давлат Санитария назорат муассасаларига топширилади. Бемор ҳақидаги маълумотлар 60-шаклга киритилади.

ДСЭНМга 24 соат ичида маълумот берилиши мажбурий бўлган йирингли яллиғланиш инфекциялари рўйхати:

ҳомиладорлар: С ва В гепатити ҳамда ОИВ билан зарарланганлар;

чақалоқлар: сепсис, флегмона, абцесс: омфалит, пиодермия пуфакли тошма, бронхопневмония, ОРВИ, конъюнктивитлар ва дакриоциститлар, ЎИИ, остеомиелит, чақалоқлар мастити, бичилиш, сийдик йўллари инфекцияси, салмонеллёз, фимоз, вульвовагинитлар, перитонитлар, серомалар, фурункул, йирингли отит ва туғма краснуха синдроми;

оналар: сепсис мастит, флегмона, абсцесс чоклар ва бошқалар инфильтрати, серома чокларнинг сўкилиши, эндометритлар, метроэдометритлар, перитонитлар, наркоздан кейинги зотилжам, сийдик йўллари инфекциялари, С ва В гепатитлари, ОИТВ билан зарарланганлар.

Шифохона ичи инфекциялари чақалоқ, чақалоқлар патологияси бўлимига ўтказилаётганда ёки уйга чиқарилаётганда ҳам аниқланиши мумкин. Бундай ҳолларда қабул қилинган қоидага мувофиқ, ҳар бир шифохона инфекцияси ёки унга гумон қилинган ҳолат бўйича эпидемиологик текшириш, уларни ривожланишига олиб келган омиллар ва сабабларни очиб бериш ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш мақсадида ДСЭНМга шошилинч хабар берилади.

Эпидемиологик текшириш вақтида она ва болага тиббий ёрдам кўрсатилган жойда зарарланиш мумкин бўлган жой, муддати аниқланади. Ҳар бир бўлимда тоза кийимларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар бўлиши керак.

Тозалаш ашёларининг ҳаммаси белгиланган ва қатъий кўрсатма бўйича ишлатилиши лозим. Латталар ишлатилганидан сўнг ювилиб, қуритилиб, махсус ажратилган жойда челакларда алоҳида сақланади. Тозалаш ашёлари тўплами (швабра, челак, латталар) бир жойда биргаликда сақланиши керак. Ифлос буюмлар клеёнка қопчаларга солиниб, махсус ажратилган жойда сақланади.

Умумий ялпи тозалаш палаталарнинг бўшашига қараб, ҳафтада камида бир марта ўтказилиши лозим.

**Педикулёзга қарши ишлов бериш учун йиғманинг таркиби:**

* бемор кийимларини тўплаш учун клеёнка ёки пахтали халталар;
* клеёнка тагликлар;
* резина қўлқоплар;
* қайчилар;
* майда тишли тароқ (иложи бўлса металл);
* рўмоллар (икки-учта);
* пахталар;
* ош сиркаси ёки 5-10 %ли сирка кислотаси;
* битлар ривожланишининг барча даврларига таъсир қилувчи препаратлар: ниттифор, бензилбензоат, малҳам, 5 % бор малҳами;
* кийимларни зарарсизлантириш учун карбофоснинг 30 % ёки 10 % ли эмулсияловчи концентрати Пиретрум кукуни;
* хоналарни зарарсизлантириш учун препаратлар: карбофос, хлорофоснинг 30 % ёки 50% ли эмулсияловчи концентрати, "неофос-2" аэрозол баллонлари.

**Ялпи тозалашни қайд этиш журнали**

| № | Бўлим ва хоналар номи | Ялпи тозалашнинг бошланиш даври (вақти кўрсатилсин) | Ялпи тозалашнинг тугаши (вақти кўрсатилсин) | Ялпи тозалаш қандай дезинфектант билан ўтказилган | Ялпи тозалаш ўтказиш учун масъул шахснинг исм-шарифи | имзо |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**Туғруқ мажмуа (бўлим)ларида ялпи умумий тозалаш тартиби**

Туғруқ заллари, туғруқдан кейинги палаталар, жарроҳлик блокларида **ялпи умумий тозалаш** ишлари 7 кунда бир марта 0,5 % ювувчи эритманинг 6 %ли водород перекиси ёки 5 % ли хлорамин эритмаси ёки Ўзфарм қўмитасида рўйхатдан ўтган бошқа зарарсизлантирувчи моддалар билан ўтказилади.

Хона ва барча асбоблар зарарсизлантирилган моддада кўп (обильно) намланган латта билан артилади. Сўнгра хона бир соатга беркитилади, кейин сувда ювиб чиқилади. Агар тозалаш нейтрал аналит билан ўтказилган бўлса хона 90 дақиқага беркитилади.

Ходимлар бу вақтда тоза халат, ниқоб ва оёқ кийим кийишади, тозалаш ашёлари зарарсизлантириб, ювиб қуритилади. Аёл палатага киришидан аввал, каравотларга тоза чойшаблар солинади,

***Эслатма:*** зарарсизлантирувчи моддаларни ҳафта оралаб алмаштириб туриш керак. 1 кв.м.га 200-300 мл зарарсизлантирувчи моддалар сарфланади.

**Нафас олиш ва наркоз аппаратларини тозалаш**

Нафас олиш ва наркоз аппаратлари ҳар бир бемордан сўнг, шифохона ичи инфекцияси – наркоздан кейинги зотилжамнинг олдини олиш мақсадида зарарсизлантирилиб, стерилизация қилиниши керак. Ишлатилгандан сўнг наркоз аппарати бўлакларга ажратилади. Ҳар бир бўлак ва найлари ювувчи эритма солинган махсус белгиланган идишларда ивитилади (5 гр ювувчи модда, 200 мл перекис, 975 мл сув), идиш эритма билан тўла бўлиши ва наркоз аппаратининг қисмлари қопланиши керак. Ивитиш 50 даража ҳароратда 20 дақиқа давом этади. Кейин эса фақат дока пиликлар ёрдамида механик тозалаш олиб борилади.

Кимёвий стериллаш қуйидаги эритмалар билан ўтказилади:

* 6 % ли водород перекиси эритмаси 18 даражали ҳароратда 360 дақиқа экспозицияда;
* 50 даража ҳароратда 180 дақиқа экспозицияда;
* 1 %ли дезаксон-1 эритмаси 18 даражада.

Стериллаш юқорида кўрсатилган эритмаларда тўлиқ ботирилган кейин стерилланган сувда ювилиб, чайилиб, стерил чойшаб билан қуритилган ҳолда ўтказилади (гафрирланган найчалар осиб қуритилади).

Ишлов берилгач, бир кеча-кундуздан кўп бўлмаган сақланиш муддати билан стерил биксларга жойлаштирилади.

**Нафас қопига ишлов бериш**

Нафас қопи фойдаланилгандан ва аппаратдан узиб ажратилгандан сўнг ювувчи эритма билан тўлғазилиб ишлов берилади, яхши ювилиши учун қаттиқ-қаттиқ чайқатилади, сўнгра 3 % ли водород перекиси эритмасига ботирилган ҳолда зарарсизлантирилиб, икки марта стерил сув билан ювилади ва бўғзига кенгайтиргич киритилади. Мўйналари асептик шароитда қопчани осиб қуритилади.

**ДСЭНД бошлиғи Н. АТАБЕКОВ.**



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 26. | Хоналар, хона буюмлари | | | | 12-бандда кўрсатилган бирор-бир эритма билан 2 марта артилади. |
| 27. | Резина гиламчалар | 1. Хлорамин "Б" – активли хлор 26-29 %<br>2. Хлорли оҳак-активли хлор 28-35 %<br>3. Септаксин – алкилдиметилбензил аммоний хлориди-10 % – карбамид (мочевина) – 5,1-7,5 % – спирт изопропилли 10 %<br>4. Септабик таъсир қилувчи моддаси – клатрат дидецил диметил аммоний бромиди мочевинали (100 %)<br>5. Вегасепт-Форте-дидецилдиметил аммоний хлорид – 37,5 % – глутарли альдегид – 12,5 %<br>6. Новодез-50 – алкилдиметил аммоний хлорид – 50 %<br>7. Новодез-Форте-алкилдиметилбензиламмоний хлориди – 50 %<br>8. Бромосепт-50 – дидецилметиламмоний бромид – 50 %, этанол – 40 % | 0,5<br>0,5<br>0,25<br>0,5<br>0,25<br>0,25<br>0,25<br>0,5 | | Оралиқни 15 дақиқа қилиб 2 марта эритма билан артилади ва сув билан чайилади. |
| 28. | Санитар-техник жиҳозлар (қўл ювгичлар, ванналар ва ҳ.к.) | 1. Хлорамин "Б" – активли хлор 26-29 %<br>2. Хлорли оҳак-активли хлор 28-35 %<br>3. Септаксин – алкилдиметилбензил аммоний хлориди-10 % – карбамид (мочевина) – 5,1-7,5 % – спирт изопропилли 10 %<br>4. Септабик таъсир қилувчи моддаси – клатрат дидецил диметил аммоний бромиди мочевинали (100 %)<br>5. Вегасепт-Форте-дидецилдиметил аммоний хлорид – 37,5 % – глутарли альдегид – 12,5 %<br>6. Новодез-50 – алкилдиметил аммоний хлорид – 50 %<br>7. Новодез-Форте-алкилдиметилбензиламмоний хлориди – 50 %<br>8. Бромосепт-50 – дидецилметиламмоний бромид – 50 %, этанол – 40 %<br>9. Кальций гипохлориди | 0,5<br>0,5<br>0,25<br>0,5<br>0,25<br>0,25<br>0,25<br>0,5<br>0,25 | | Оралиқни 15 дақиқа қилиб 2 марта эритма билан артилади ва сув билан чайилади. |
| 29. | Тозалаш воситалари (уборочный инвентарь) | 1. Хлорамин "Б" – активли хлор 26-29 %<br>2. Хлорли оҳак-активли хлор 28-35 %<br>3. Септаксин – алкилдиметилбензил аммоний хлориди-10 % – карбамид (мочевина) – 5,1-7,5 % – спирт изопропилли 10 %<br>4. Септабик таъсир қилувчи моддаси – клатрат дидецил диметил аммоний бромиди мочевинали (100 %)<br>5. Вегасепт-Форте-дидецилдиметил аммоний хлорид – 37,5 % – глутарли альдегид – 12,5 %<br>6. Новодез-50 – алкилдиметил аммоний хлорид – 50 %<br>7. Новодез-Форте-алкилдиметилбензиламмоний хлорид – 50 %<br>8. Бромосепт-50-дидецилметиламмоний бромид – 50 %, этанол – 40 %<br>9. Кальций гипохлориди | 1,0<br>1,0<br>0,5<br>0,5<br>0,25<br>0,25<br>0,25<br>0,5<br>0,5 | 60<br>60<br>60<br>60<br>60<br>60<br>60<br>60<br>60 | Эритмага солинади, сўнгра ювиб, қуритилади. |
| 30. | Махсус пойабзал-елим ёки резинали | 1. Хлорамин "Б" – активли хлор 26-29 %<br>2. Хлорли оҳак-активли хлор 28-35 %<br>3. Септаксин – алкилдиметилбензил аммоний хлориди-10 % – карбамид (мочевина) – | 0,5<br>0,5<br>0,5 | 30<br>30<br>30 | Ивитилади, ювилади, тоза сувда чайилади ва қуритилади. |

# 1 декабря — Международный день борьбы со СПИДом

# НЕТ СПИДу!



***1 декабря проводится Международный день по борьбе со СПИДом. Каждый год огромное количество мероприятий, как в Республике Узбекистан, так и во всем мире, посвящены повышению информированности людей о необходимости устранения стигмы и дискриминации больных ВИЧ/СПИДом. Спектр мероприятий включает семинары, тренинговые сессии, показ специальных фильмов, пресс-конференций. Большинство этих акций проводится под лозунгом - «Живи и дай жить другим».***

В преддверии Международного дня борьбы со СПИДом мы провели беседу с врачом-эпидемиологом, специалистом организационно-методического отдела Республиканского центра СПИД **Майсарой Маннаповной ГАЗИЕВОЙ.**

- В Республиканском центре СПИД осуществляются работы по выявлению и лечению больных с данным диагнозом.

За период с 1987 по 2005 год в Узбекистане выявлено 5600 случаев заболевания ВИЧ/СПИДом. Среди них 81,5 % у мужчин, и 19,5 % случаев заболеваний у женщин. По данным, потребители инъекционных наркотиков (ПИН) значительно доминируют среди официально зарегистрированных случаев, составляя 62 % от общего числа. Половой путь передачи является причиной 15 % от общего числа зарегистрированных заболеваний.

**- Огромное количество представителей других стран, людей с дипломатической миссией или по трудовому договору прибывают в нашу республику. Ведется ли обследование данного контингента на ВИЧ-инфекцию?**

- Обследование на ВИЧ-инфекцию конфиденциально, и оно ведется по желанию. Но следует указать, что по прибытии в ту или иную страну у прибывшего гражданина обязательно требуется представление данных о прохождении медицинского обследования на ВИЧ-инфекцию.

**- Известно, что по всей республике ведут свою деятельность специализированные центры по выявлению ВИЧ/СПИД-инфекций.**

- Да, действительно, на сегодняшний день в республике действует 15 центров, 92 диагностические лаборатории и 230 анонимных пунктов доверия. В каждом из них работают врачи-специалисты и психологи, которые оказывают физическую и моральную поддержку пациентам.

В этой миссии большую помощь предоставляют международные организации, такие, как JICA, UNAIDS, Всемирный банк.

Международной организацией JICA и Всемирным банком были оснащены более десяти пунктов доверия. А работники специализированных центров республики проходили обучение в Ташкентском институте усовершенствования врачей и в пункте доверия UNAIDS при ООН, после чего им выдавались сертификаты, дающие возможность обучения ими других специалистов.

Для выявления ВИЧ/СПИДа и его лечения действуют центры и в исправительных колониях, где проводятся мероприятия по ознакомлению заключенных с актуальностью этой проблемы.



**- Сейчас фиксируются случаи рождения детей с ВИЧ инфекцией. Какие действия предпринимаются в таких случаях?**

- В наши дни разработаны и совершенствуются программы, направленные на профилактику передачи ВИЧ-инфекции от матери к ребенку во время беременности и родов с помощью: консультирования до и после теста на ВИЧ, предоставления антиретровирусной терапии ВИЧ-инфицированным женщинам и их детям, безопасных методов родов и консультирования и помощи в вопросах вскармливания детей. В эту программу также входят разработка протокола лечения и обучающие семинары по вопросам психологической поддержки и социальной адаптации для женщин и их детей, а также для родственников людей, живущих с ВИЧ.

Следует упомянуть, что в нашем центре действует кабинет доверия, где пациенты имеют возможность общаться между собой, помогают друг другу в решении наболевших проблем.

**- На родителей возложена большая ответственность - подарить жизнь детями и сберечь их здоровье. Ведь недаром говорится, что от здоровых родителей рождается здоровый ребенок. Что для этого осуществляется в сфере здравоохранения нашей республики?**

- Следуя постановлению № 365 (2003 год) Кабинета Министров Республики Узбекистан молодые люди, стоящие на пороге создания новой семьи, должны пройти обследование на ВИЧ-инфекцию. При выявлении ВИЧ-инфекции назначается специальный курс лечения.

Для резкого снижения уровня заболеваемости ВИЧ/СПИДом должны проводиться эффективные мероприятия. Именно с этой целью вот уже несколько лет в учебную программу школьников 9-11 классов введен предмет «Здоровый образ жизни». Для составления данной программы привлечены Министерство здравоохранения Республики Узбекистан и Министерство высшего и среднего специального образования.

Вместе со средствами массовой информации (радио, телевидение и пресса) проработаны специальные теле- и радиопередачи, транслируются рекламные ролики о пропаганде правильного образа жизни, напечатано множество статей.

1 декабря - Международный день борьбы против ВИЧ/СПИДа. В этот день по всей республике будут проводиться семинары, беседы, тренинги, посвященные вопросам ВИЧ/СПИДа. В Республиканском центре СПИД пройдет День открытых дверей, где можно услышать и найти ответы на вопросы, касающиеся этой проблемы.

Лечение болезни в руках представителей медицины, но профилактика ее в руках каждого. И помня это, заботиться о своем здоровье должен каждый. Объединим свои силы для создания будущего без СПИДа.



**Ирода ИЛЬХАМОВА.**
**Фото А. НУРАТДИНОВА.**

***«Пенсионерлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санитария-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини янада кучайтириш».***

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастуридан.

# ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

## *3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни*

***Туманимиз асосан сабзавотчилик ва мевачиликка ихтисослашган бўлиб, у ёки бу соҳада бирор муваффақиятга эришилганини эшитиб қолсак, бутун жамоамиз билан беҳад қувонамиз. Негаки, бу ўша қадоқ қўлли, шижоатли меҳнаткашнинг ютуғидир. Биз шифокорлар улар хурсандчилигига ҳам, изтиробига ҳам доим шерикмиз. Бирор дардга чалинган инсонга қўшилиб азият чекамиз. Шу боис бизнинг касалхона шифокорлари ҳам беморларни тезроқ қадрдон даласига қайтаришга ҳаракат қиладилар.***

Халқимиз ҳақиқатан, жуда ғайратли, меҳнаткаш. Биргина помидордан 700-800 центнердан ҳосил олмаса, кўнгли ором топмайди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ўзини аямайди. Қишни қиш, ёзни ёз демайди. Аммо, иссиқ жон иситмасиз бўлмас. Баъзан эҳтиётсизлик ёки меҳнат маромининг бузилиши оқибатида соғлиққа зарар етиши мумкин. Вазият шу даражага бориб етадики, ўзлари истамаса-да ногиронлик нафақасига чиқишга тўғри келади.

Далил ва рақамлар билан айтганда, туманда жами 29440 нафар ногирон бўлиб, шунинг катта қисмини, яъни 21332 нафарини ёшга доир пенсия олувчи қариялар ташкил этади. Турли бахтсиз ҳодисалар, сурункали касалликлар туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиб, ногиронликка чиққанлар 7087 киши. Болаликдан ёки туғма ногиронлар 1023 нафардир. Ҳар йили бир марта улар бепул кўрикдан ўтказилиб, тиббий хизмат кўрсатилади. Зарур бўлса даволаниш сиҳатгоҳларига йўлланмалар берилади. Ўтган йили уларнинг дори-дармонлари учун 2 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. 13398 киши даволанишга муҳтож деб топилиб, 1850 нафари стационар, 1050 нафари амбулатория, 4810 нафари қариялар уйларида даволанишди.

Болаликдан ногирон, деган масалага алоҳида тўхталиш лозим. Хўш, жамиятимиздаги ачинарли бўғин қаердан пайдо бўлади? Кейинги пайтда республика миқёсидаги муаммо бўлмиш камқонлик, туғруқлар оралиғидаги яқин давр, яқин қариндошларнинг никоҳи бунга сабаб эмасми? Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизлар орасида вояга етмай турмушга чиқиш, туғруқлар оралиғи, ҳомиладорлик парвариши хусусида тушунтиришлар олиб борамиз. Камқонликдан азият чекаётган аёлларга давлат бюджетидан 3 миллион сўмлик дори-дармон ажратилди. Шунингдек, туғиш даврини тартибга солиш учун контрацептив воситалар ҳам бепул тар-қатилмоқда.

2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" дея номланиши ва яқинлашиб келаётган Халқаро ногиронлар куни зиммамизга катта масъулият юклади. Бу борада эса махсус дастур ишлаб чиқиб, фаолият олиб бормоқдамиз.

**Фурқат ВАЛИЕВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Самарқанд туман**
**Марказий шифохона бош шифокори.**

*1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни*

# АФСУС ВА АЛАМ

*(ОИТСга чалинган бемор тилидан)*

**Аттанг кетмоқдаман, афсус аламда,**
**Жоним изи қолди беҳол танамда.**
**Жойим тайин балким, нақд жаҳаннамда,**
**Йиғламоққа дўстим ёшим қолмади.**

**Тўқликка шўхликни қилдим саноқсиз,**
**Кечалар ўтмади гулгун ёноқсиз.**
**Энди қолмагандир аъзом ёмоқсиз,**
**Чидамоққа дўстим дошим қолмади.**

**Шаробу гиёҳни ичдим тинимсиз,**
**Масту аласт учдим бўлмай қунимсиз.**
**Энди уринишим бари унимсиз,**
**Кўтармоққа дўстим бошим қолмади.**

**Иситмам дардимни ошкор қилади,**
**Изтиробим кучин Оллоҳ билади.**
**Фақат бир надомат қалбим тилади,**
**Емоққа ҳаққиму ошим қолмади.**

**Ўзимку ўламан, қилмиш-қидирмиш,**
**Нима экса инсон шуни терармиш.**
**Оилам, фарзандлар қандай қилармиш,**
**Кўзимни ёпгани қошим қолмади.**

**Мана ҳиқилдоқда ҳилпирар жоним,**
**Ҳатто кўз юмгани йўқдир имконим.**
**Вақтида сезмадим, сотдим имоним,**
**Қабримга арзирлик тошим қолмади.**

**Азизлар охирги сўзимни тингланг,**
**Бемаврид ишларни ҳаётда қилманг.**
**Мен каби ношудни ошино билманг,**
**Кўтармоққа менинг бошим қолмади,**
**Йиғламоққа кўзда ёшим қолмади.**

Нурмат АТАБЕКОВ,
Тошкент шаҳри.

# XXI АСР ВАБОСИ

**Гиёҳвандлар ажали – героинни олмагин,**
**Яхши дўстинг номини ёмон қилиб сотмагин.**
**Ориятинг, номусинг, оилангни сақлагин,**
**Героинга қул бўлиб кўча-кўйда ётмагин.**

**Кўзингни оч, эй инсон ғафлатларга ботмагин,**
**Бир зумлик роҳат учун уй-жойингни сотмагин.**
**Ранги-рўйинг кўкариб, касаллардек юрмагин,**
**Бола-чақанг наздида гадой бўлиб турмагин.**

**Кўл-оёғинг қалтираб, тушкунликка тушмагин,**
**Ота-онанг олдида бегонадай турмагин.**

**Эсингни йиғ нотавон, тонгу саҳар кезмагин,**
**Дўстингни душман билиб аросатда қолмагин.**

**Қариндошлар олдида мулзам бўлиб юрмагин,**
**Афсусланиб минг бора героинни олмагин.**
**Қад-қоматинг букилиб девонадек юрмагин,**
**Шайтон измига кириб героинни олмагин.**

**Лой-ботқоқлар кечиб, юзтубанлик қилмагин,**
**Отанг қилса насиҳат, юзинг четга бурмагин.**
**Ўзинг бўлдингку ота, ажал отин минмагин,**
**Бу навқирон ёшликни ерла-яксон қилмагин.**

Абдукарим УСМОНҚУЛОВ,
Ширин шаҳар Марказий шифохона
шифокор-невропатологи.

# ОИТСни ТЎХТАТИНГ – ВАЪДАНИ БАЖАРИНГ

**Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали ҳамда вилоят ОИТС маркази мутахассислари Чирчиқ шаҳридаги тиббиёт коллежига, Тошкент туманидаги 18-мактаб, Қибрай туманидаги 6-мактаб ўқувчилари ҳузурига ташриф буюриб, XXI аср вабоси ҳисобланмиш ОИТС ҳақида, унинг жаҳон афкор оммаси бошига солаётган ташвишли кулфатлари хусусида маъруза қилдилар.**

Мутахассислар ўсиб келаётган авлодни СПИД (ОИТС) каби даҳшатли касалликдан муҳофаза қилиш, улар онгида ушбу маккор касалликка нисбатан нафрат ҳиссини уйғотиб, ҳар соҳада ҳамиша покликка амал қилиш зарурлиги хусусида суҳбатлар ўтказдилар. Коллеж талабалари ва ўқувчи-ёшлар ОИТС маркази мутахассислари М. Ҳикматова, Б. Расулов, шунингдек Саломатлик институти вилоят филиали раҳбари Г. Абдуллаева, етакчи мутахассислар С. Юнусова, Ф. Комиловага ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

Келажак авлод онгида бу каби тадбирлар уларнинг ўз саломатлиги ва атрофдагилар соғлиғига бўлган эътиборли муносабатни шакллантириш, ОИТС – энг аввало нопоклик касали эканлигини ёшлар яхши англаб олишлари йўлида барча съай-ҳаракатларни ишга солиш, охир-оқибат кутилган натижаларга олиб келишига умид ва ишончни уйғотади. Шу боис, мутахассисларнинг жойларда чиқишлар қилиб – «ОИТСни тўхтатинг – ваъдани бажаринг» шиори остида ўтказаётган ибратли тадбирлари таҳсинга лойиқдир.

**Ф. АБРОРОВА.**

*Фиторецепты*

## Промывайте глаза

* медовой водой: столовая ложка меда на стакан теплой кипяченой воды;

* отваром корней и коры барбариса обыкновенного (1/2 чайной ложки измельченного сырья на стакан горячей воды, кипятить 30 минут);

* настоем семян льна обыкновенного: 1/2 чайной ложки семян и 1/2 стакана холодной кипяченой воды, настаивать 40 минут, процедить.

## Делайте примочки из

* сока алоэ древовидного;

* отвара травы иссопа лекарственного: 2 чайные ложки сухого сырья на стакан горячей воды, кипятить 15 минут;

* отвара травы кипрея узколистного (иван-чай): столовая ложка сухого измельченного сырья на стакан воды комнатной температуры, кипятить 15 минут, настаивать час.

Закапывайте в конъюнктивальный мешочек смесь стерильного сока каланхоэ перистого с изотоническим раствором натрия хлорида или с 0,5 %-ным раствором новокаина (препараты продаются в аптеке), взятыми в пропорции 1:1.

Показан компресс из настоя листьев и цветков малины обыкновенной: 10 г сухого измельченного сырья на стакан кипятка, настаивать 30 минут, процедить. Полезны местные ванночки из настоя цветков шиповника коричного: чайная ложка сухого измельченного сырья на стакан кипятка, довести до кипения, настоять до охлаждения, процедить.

# ЙЎНАЛТИРУВЧИ ЙИҒИЛИШЛАР

***Ўзбекистон жаҳон миқёсида аёллар ва болаларнинг ўлимига сабаб бўлаётган темир танқислиги анемияси билан курашнинг олдинги сафларида***

Ўзбекистон овқатланишни яхшилаш бўйича глобал альянс (GAIN)нинг ун таркибида темир элементлари бўлган қўшимчалар билан бойитиш дастури учун ажратилган грантига эга бўлган биринчи мамлакатлар қаторига киради. Темир моддаси танқислиги сабаб юзага келадиган касалликлар сонини камайтиришга қаратилган миллий дастур учун Ўзбекистон уч йил мобайнида 2,8 миллион Америка долларига эга бўлади.

Табиийки, бу кампания нима учун зарур, деган ҳақли савол туғилади. Бунга ЮНИСЕФнинг минтақавий директор ўринбосари Шаҳноз Кианиан-Фирузгар хоним 2005 йил 29 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган маросимдаги нутқида қуйидагиларни айтган эди: «Темир танқислиги анемияси янги туғилган болалар ўлими, шунингдек аёллар ва болалар соғлиги ёмонлашишининг асосий сабабидир. Ундан ташқари, темир танқислиги анемияси мия ривожланишига, катталарнинг иш самарадорлиги ва болалар ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Болалардаги темир моддаси танқислигига қарши курашиб, уларга барча имкониятларни тўлиқ намойиш этишларига ва жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшишларига ёрдам беришимиз мумкин».

Оз миқдордаги темир моддаси она саломатлиги ҳамда боланинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда зарурдир. Темир моддаси танқислиги, аввало оналар ўлимига ҳамда камқон оналардан туғилган болалар ўлимига олиб келиши мумкин бўлган анемияга сабаб бўлади.

2005 йил 22 ноябрь куни Хоразм вилояти ҳокимияти биносида ҳукумат аъзолари, ун ва нон ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида мана шу каби долзарб мавзуга бағишланган йўналтирувчи йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Хонқа туманидаги «Хонқа дон маҳсулотлари» унни қайта ишловчи корхонасига қилинган ташриф билан давом эттирилди. Йиғилишда Хоразм вилояти ҳокими, юқори мартабали ҳукумат аъзолари, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Реза Хоссаини ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош педиатри Дилором Аҳмедова иштирок этди.

* * *

Худди мана шу мавзудаги йиғилиш 2005 йилнинг 24 ноябрь куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси биносида ўтказилди. Тадбир иштирокчилари Нукус шаҳридаги «Нукус ун заводи» ОАЖга ташриф буюриб, йиғилишнинг асосий мавзуи билан барчани яқиндан таништиришди ва унни нега темир моддаси билан бойитиш зарурлиги хусусида қизғин суҳбатлар қуришди. Чиндан ҳам мазкур тадбирлар микронутриентлар танқислигини бартараф этиш ниҳоятда зарур эканлигини яна бир бор кўрсатди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида – унни темир моддаси ва фолий кислотаси билан бойитишдек бу каби хайрли ишлар Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда бошланганидан далолат беради. Ушбу ҳудудлардаги учта корхонада унни бойитиш, шу билан бирга кампания доирасида бойитилган уннинг фойдаси тўғрисида аҳоли тушунчасини ошириш бўйича ишлар ҳам амалга оширилди. Айтиш жоизки, таннарх нуқтаи назаридан ушбу лойиҳа жуда самаралидир. Сарф-харажатлар бир йилда киши бошига атиги 100 сўмни ташкил этар экан. Аҳоли саломатлиги учун узоқ муддатли фойдани ҳисобга олганда, бу харажатлар катталик қилмаслиги аниқ. Озуқавий моддалар етарли бўлмаган шароитда озиқ-овқат маҳсулотларини, жумладан ун маҳсулотларини зарур витаминлар ва микроэлементлар билан бойитиш миллат саломатлигини яхшилашнинг энг самарали ва арзон усули бўлиб қолади.

***М. МИРАЛИЕВ.***

**УВАЖАЕМЫЕ ЧИТАТЕЛИ!**

В номере № 46 от 22-28 ноября в рубрике «Спрашиваете - отвечаем» допущена ошибка.

**Вместо телефонных номеров 133-44-44 и 133-55-55 следует читать 398-44-68.**

Редакция приносит свои извинения за допущенную ошибку.

**Редакция.**

ОБЪЯВЛЕНИЕ

*Встреча, окончивших Андижанский государственный медицинский институт в 1965 году, состоится 17 декабря 2005 г. в г. Андижане (ул. Ю. Отабекова, дом 1). Желающим участвовать во встрече, просим обратиться по адресу:*

*г. Андижан, тел.: (8-374-2) 22-19-41.*

*Профессор О. Салохитдинов.*

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси таҳририяти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамшира» журнали ижрочи директори Абдукарим Усмонхўжаевга акаси

**Ҳаким УСМОНХЎЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

**Gazeta muassisi:**
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

**Bosh muharrir:**
**Po'lat MIRPO'LATOV.**
**Ijrochi muharrir:**
**Ibodat SOATOVA.**

Tahrir hay`ati raisi: F. NAZIROV.
Tahrir hay`ati a`zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHITDINOVA. M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHARAPOV.

Manzilimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.
Adadi 5.802 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi.
Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma Г-153.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.
E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushun reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.

Topshirildi 18.00. 2 3 4 5 6